27 5 98

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 20 май, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 36 (7033)

Da'vat

Қунт билан ўрган ҳунар,
Ҳунардан ризқинг унар.

Ўзбек халқ мақоли

Ibrat

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган иқтидорли ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш «Умид» жамғармаси томонидан хорижий мамлакатларга юборилган ўзбекистонлик ёшлар муваффақиятли таълим олмоқдалар.

Айни кунларда ана шу ёшларнинг 15 нафари муддатидан илгари бакалавр ҳамда магистр унвонларига сазовор бўлиш учун диссертациялар ёқлашяпти.

Ogohlik

ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ — ЖИНОЯТ

Биз диний экстремизм ва ақидапарастликни ғоявий маҳдудликни ташувчи восита, кишиларни манқуртлик кўчасига бошловчи, миллат ва мамлакат тараққиёти йўлида тўғаноқ бўлувчи, миллий хавфсизликка таҳдид қиладиган жиддий иллат сифатида яхши биламиз. Афсуслар бўлсинки, бу таҳдид фаровон келажак сари дадил илдамлаётган, пойдевори мустаҳкам демократик-ҳуқуқий жамият қуриш йўлидан бораётган Ватанимиз тақдири учун ҳам жиддий хавф ҳисобланади. Бунинг биринчи сабаби минтақамизнинг айрим давлатларида нотинч вазият ҳамон давом этаётгани бўлса, иккинчи сабаби тақдирини ўз қўли билан қуришга интилаётган Ўзбекистонни кўролмаётган аламзадалар, мамлакатдаги барқарорликни бузишга интилаётган ғаразли кучларнинг беҳуда уринишларидир.

Президентимиз Олий Мажлис XI сессиясида қуйинчаклик билан таъкидлаганларидек, «Олимларимиз, таълим-тарбия даргоҳларининг тарбиячилари, ўқитувчилари Ўзбекистонга бўлган хавф ва таҳдидларни тўғри таҳлил қилиб, болаларимиз тақдири учун биринчи навбатда ёниб ҳаракат қилиши, болаларимизни бундай ёвуз хавфдан ҳимоя қилишлари керак. Тарбиячилар, олимлар, домлалар томошабин бўлиб ўтирмаслиги лозим».

Кеча Халқ таълими вазирлигида Президентимизнинг ана шу нутқлари асосида «Ёшлар ўртасида диний экстремизм ва ақидапарастликнинг олдини олиш» мавзуида республика халқ таълими фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошов кириш сўзи билан очди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Алишер Азизхўжаев сўзга чиқди. Нотиқ ўз сўзида мамлакат барқарорлигига таҳдид солишга ҳаракат қилаётган гуруҳлар ҳақида тўхталиб, уларни учга бўлди. Булар — фаолиятида бунёдкорликдан асар ҳам бўлмаган, қуруқ сафсатадан нарига ўтмайдиган «демократ»лар, иккинчиси диний экстремизм ғояси тарафдорлари ва ниҳоят учинчиси, ҳамон эски даврни қўмсаб юрган коммунистик ақидапарастларидир. Бош вазир ўринбосари халқ таълими фаолларига мурожаат қилиб, ёшларни диний экстремизм ва ақидапарастлик, ёлғон ғоялар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олишда ҳамжиҳатлик билан курашиш лозимлигини таъкидлади. У халқ таълими ходимларини лоқайдлик ва қатъиятсизликдан умуман воз кечишликка ва келажакни ўйлаб, ҳамиша огоҳ бўлган ҳолда вазиятга тўғри баҳо бериб иш юритишга, ёш авлодни замон талаблари асосида тарбиялашга ундади.

Зеро лоқайдлик, бефарқликнинг оқибати ҳар доим таназзул билан якун топиши, натижада жамиятда жиноят авж олиши инсониятнинг кўп йиллик тажрибасида исботланган. Таназзулнинг томирига эса фақатгина фидойилик, ҳушёрлик, ватанпарварлик хислатлари болта ура олади.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

— Мен болаларни севаман, болалар эса мени, — дейди Дилором опа. Дарҳақиқат, бу ўзаро муносабат ўқитувчига берилган юксак унвондир.

Дилором Юсупова мана 22 йилдирки, Боғот туманидаги Ал-Хоразмий номли ўрта мактабда ҳалол меҳнат қилиб келмоқда.

Суратда: бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Юсупова.

Fikr, mulohaza, taklif

ТАЪЛИМДА РАҚОБАТ

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» таълим-тарбия иши давлат сиёсатининг устувор йўналиши деб ҳисобланганлигидан далолат. Бунинг амалга оширилиши жараёнида қабул қилинаётган бир талай муҳим қарорлар ҳам ўз ўрнида ушбу иккала муҳим Қонунни ҳаётга татбиқ этишни тезлаштиришга хизмат қилмоқда. Яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳам бу борада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар мундарижасига, уларнинг бажарилиш муддатига ҳамда масъулларга ойдинлик киритди. Буни нафақат мутасаддилар, балки кенг жамоатчилик, ота-оналар, талабалар, ўқувчилар чуқур англашлари ва ўз таклифларини билдиришлари ўта муҳим, дея қуйидаги айрим фикрларни билдиришга фуқаролик, педагоглик бурчимиз ундади.

Миллий Дастурда «Давлат ва нодавлат таълим муассасалари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим-тизимини ягона ўқув-илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантириш» тўғрисида айтилган. «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг «Билим олиш ҳуқуқи» бандининг 4-моддасида эса «Давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш» ўз аксини топганлиги мазкур вазифага катта аҳамият берилаётганлигидан дарак беради. Чунки рақобат бўлган жойда сифат самараси юқори бўлишига олиб келиши барчамизга маълум. Масаланинг яна бир томони, мустақиллик шарофати туфайли жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни таъминлайдиган демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қуриш жараёнида давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантиришнинг ўзи катта ҳисса қўшишидан дарак беради. Барчани қизиқтирган масала — миллий Дастурни амалга ошириш учун керакли маблағлар, харажатлар ҳажми ва уларнинг манбалари хусусида Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 9-сессиясида сўзлаган «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» деб номланган нутқидан тўлиқ маълумот олишимиз мумкин.

Ички имкониятлардан самарали фойдаланиш мақсадида иқтисодий бақувват корхона, ташкилотларнинг болалар боғчаларига, оромгоҳларига таълим-тарбия муассасаларига ҳомийлигини кучайтириш лозим. Бунда биринчидан: мазкур ташкилотлар ишчи ходимларининг фарзандлари учун

(Давоми 3-бетда)

Sharhlovchi nigohi

ИНДОНЕЗИЯНИНГ БЕҲАЛОВАТ КУНЛАРИ

Бир ҳафтадан буён Индонезияда давом этаётган оммавий тартибсизликлар мамлакат аҳолисининг тинч ва осойишта турмушига рахна солибгина қолмай, балки бутун жаҳон жамоатчилигини ҳам катта ташвишга қўйди.

Сунгги кунлар ичида нотинчликлар учоғига айланиб қолган ушбу мамлакатда хизмат сафарида ёхуд саёҳатда бўлган минг-минглаб хорижий фуқароларни ўтган давр ичида тезкорлик билан беҳавотир жойларга кўчириш, хусусан, Сингапур ва Бангкок шаҳарларига ташиб ўтиш ишлари йўлга қўйилди.

Шунинг баробарида, дунёнинг кўплаб мамлакатлари Индонезиядаги ўз фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича шошилинч чоралар кўрмоқда. Жумладан, АҚШ Давлат котиби М. Олбрайт Қўшма Штатларнинг Индонезиядаги элчихонасида ишлаётган ёрдамчи-техник хизматчиларни ва дипломатларнинг оила аъзоларини эвакуация қилиш тўғрисида кўрсатма берган.

Киодо Цусин агентлигининг маълумотларига қараганда, Индонезиядаги 13 минг нафар японларни Япония Ҳарбий Ҳаво Кучларининг транспорт самолётлари ва ҳукуматга қарашли авиалайнерларда кўчириб кетиш белгиланган. Худди шунингдек, Австралия ҳам ўзининг 20 минг фуқаросини Индонезия ҳудудидан эсон-омон олиб чиқиб кетишнинг шошилинч чораларини қўллаши кутилмоқда.

Куни кеча тамаддуний ҳаёт нафаси уфуриб турган ўн миллион кишилик Жакарта шаҳрининг турфа автоуловлар билан тирбанд, гавжум ва сершовқин кўчаларида ёшларнинг оммавий намойишлари давом этяпти. Кучалар ва йўллар ҳукуматнинг хавфсизлик кучлари ва йўл ҳаракати хавфсизлиги полицияси томонидан тўсиб қўйилган.

Хуш, Индонезияда тинглик юзага келиши ва унинг бу қадар чуқурлашиб кетишининг сабаблари нимада?

Сиёсатчиларнинг фикрича, аввало, сунгги пайтларда Индонезиядаги иқтисодий бўҳрон оқибатида ишсизлар сонининг беҳад кўпайгани ва нарх-навонинг кескин кўтарилиб кетгани 200 миллионлик халқнинг норозилигига сабаб бўлган.

Айниқса, май ойининг бошларида нефть, электр энергияси ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ошилириши муносабати билан норозилик намойишига чиққан Трискати университети талабаларига нисбатан ҳукуматнинг хавфсизлик кучлари қўллаган шафқатсизлик, шу жумладан, 12 майда олти нафар талабанинг отиб ўлдирилиши Индонезия жамоатчилигининг нафратини қўзғатиб юборди.

Бу норозиликлар сабабларини бошқача изоҳлаётганлар ҳам бор. Масалан, мамлакат ички ишлар вазири Хартоно ҳозирга қадар бир неча юзлаб кишилар нобуд бўлган ушбу ғалаёнларни уюштирганликда Индонезия Коммунистик Партияси айбдор эканини айтган. Маълумки, Президент Сухарто 60-йиллардаёқ мазкур фирқани қонундан ташқари деб эълон қилган эди. Таҳминларга кўра, партиянинг энг садоқатли аъзолари мамлакат ичкарисида яширинча фаолият кўрсатиб келган.

Шу кеча-кундузда Индонезиядаги 50 та олий ўқув юрти талабалари мамлакатда зулдик билан иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишни, Президент Сухартони эса истеъфога чиқаришни талаб қилиб намойишлар ўтказишни давом эттирмоқда.

Президент Сухартога келсак, у мамлакатда оммавий тартибсизликлар бошланиши билан ўзининг Мисрга сафарини муддатидан олдин якунлаб, юртига қайтди.

Қоҳирада берган баёнотида Сухарто агар халқи унга ишонмай қўйган бўлса, истеъфога чиқажагини қайд этган эди. Аммо, Индонезия Президенти Ватанига қайтиб келгач, ўзининг ушбу баёнотини на тасдиқловчи ва на инкор этувчи гап айтгани йўқ.

Сўнгги маълумотларга кўра, Президент Сухартонинг парламент фракциялари етакчилари билан учрашуви чоғида Индонезияда яқин орада умумхалқ сайловини ўтказиш, унда янги парламент, ўз навбатида, янги Президентни ва янги Вицепрезидентни сайлаш тўғрисида келишиб олинган.

Ғулом МИРЗО

Айни кунларда адабиётимизнинг йирик вакилларидан бири Одил Ёқубовнинг 70 йиллик туйи нишонланяпти. Бу ҳақда, албатта, республикамизнинг қатор нашрларида адиб шогирдларининг ҳаяжонли мақолаларини ўқиб турибмиз.

Аслида Одил Ёқубов ҳақида узун-узун мақолалар, соатлаб маърузалар қилиш мумкину, лекин бунга ҳеч эҳтиёж йўқ. Негаким, бу адиб ҳақида ҳамма билади. Ҳамма билган нарсани яна ёзиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

ҲАММАМИЗ БИЛАДИГАН АДИБ

Куни кеча Тошкентдаги Ҳамза театрида ўтган маросим ҳам худди шу гапларнинг ижроси бўлди. Кечани Узбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Абдулла Орипов бошқарди. Йиғилиш аввалида даврадагиларга республикамиз Президентининг Одил Ёқубовни Узбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармони ўқиб эшиттирилди ҳамда Президент номидан махсус совға топширилди. Совғани Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Уткир Раҳматов топширди. Шундан сўнг адибни шогирдлари, жамоат вакиллари муборак ёши билан қизғин қутладилар.

Дилноза ГУЛБОЕВА

Yangicha usul

МАКТАБДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

У ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ЮКСАК САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШИНГИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ

Истиқлол йўлидан бораётган жамиятимизнинг тараққиёти, жумладан инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини шакллантиришга, унинг соғломлигини таъминлаш ва мустаҳкамлашга, шахснинг руҳий ва маънавий шаклланишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни ўз вақтида бартараф этишга ҳам боғлиқдир. Шунинг учун республикадаги таълим-тарбия масканларида психолог хизматнинг жорий этилиши замон талабига айланиб қолди. Сўнгги йилларда шаҳар мактабларида, баъзи вилоят марказларидаги мактаб ва боғчаларда психолог хизмат бирмунча йўлга қўйилмоқда. Лекин баъзи вилоятларда, туманларда халқ таълими тизимидаги мутасадди ходимлар, мактаб маъмурияти бу ҳақда, афсуски, аниқ бир тушунчага эга эмаслар. Шу боис, вилоятлардаги мактаб ўқитувчиларида мактаб психологи ким, унинг мактабдаги вазифалари нималардан иборат, таълим-тарбия ишларида унинг аҳамияти қандай ва мактаб психологи бўлиб ишлаш учун қаерда ва қандай таълим олиш мумкин каби саволлар туғилмоқда.

Ўзбекистонда психология фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшган олим, Тошкент Давлат педагогика университети психология кафедраси мудири, психология фанлари доктори, профессор М. Г. Давлетшинга юқоридаги саволлар билан мурожаат этиб, халқ таълими тизимидаги психологик хизмат ҳақида кенгроқ тушунча беришни сўрадик.

— Муҳаммад Галимович, халқ таълими тизимидаги психологик хизматнинг мақсадлари ва мактаб психологининг бевосита мактабда амалга оширадиган ишлари ва вазифалари ҳақида гапириб бersангиз?

— Болаларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини илмий-психологик асосда ташкил қилишда психологик хизматнинг ўрни муҳимдир. Халқ таълими тизимидаги психологик хизматнинг мақсади шахснинг ҳар томонлама баркамол, тўлақонли руҳий тараққиётини таъминловчи зарур шарт-шароитлар яратишдан иборатдир. Унинг асосий вазифалари жумласига ўқувчиларнинг руҳий тараққиёти хусусиятларини объектив баҳолашда ўқувчиларга ёрдам кўрсатиш, бу тараққиёт йўналишини белгилаш, ривожланишига имконият туғдирувчи ёки аксинча, уни тўхтатувчи сабабларни аниқлаш киради. Мактаб психологик хизматининг фаолияти бутун таълим даври жараёнида ўқувчиларнинг қизиқишларини ва интилишларини аниқлаш, айрим ўқувчиларнинг ўқишда орқада қолиш сабабларини ва уларнинг хулқ-атворларидаги камчиликларни ўз вақтида ўрганиш, уларни бартараф этишнинг энг самарали усулларини танлашни ўз олдига вазифа қилиб қўяди. Психологик хизмат мактабда таълим-тарбия иши самарадорлигини оширишга, ижтимоий фаол, маънавий эътиқодли шахснинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Янада аниқроқ қилиб гапирадиган бўлсак, мактаб психологининг иши қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

аввало, психопрофилактик (оқлов чора-тадбирлари) ишлар. Бу йўналишдаги фаолиятда ўқитувчиларнинг ва мактаб раҳбарларининг расмий талаб-

(Давоми 3-бетда)

Munosabat

ДУНЁ ОСОЙИШТАЛИГИГА СОЛИНГАН РАХНА

Давлатимиз ташаббуси билан ўтган йили сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Марказий Осиё — ядро қуролидан холи зона» мавзуидаги халқаро конференцияда Президентимизнинг сўзлаган нутқи кўпчиликнинг ёдида.

«Ҳали сайёрамиздаги барча давлатлар ҳам ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартномага қўшилган эмас. Ҳозирги кунда ҳам яқин-яқинимизда ядро қуролига эга бўлиш нияти ҳақида очиқдан-очиқ гапираётган давлатлар бор. Назаримизда, худди мана шунинг учун ҳам, жаҳон ҳамжамияти бугунги кунда мана шу хавфдан огоҳ қилиш, унинг олдини олиш борасидаги ташаббус ва чора-тадбирларга жиддий эътибор билан қараши ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши лозим». Президентимиз нафақат мамлакатимиз, шу билан бирга дунё осойишталигини сақлаш борасида тутган собит йўлини мана шундай муҳим даъватларида баён этган эди.

Таассуфки, юртбошимиз ўша пайтдаёқ огоҳлантирган, олдини олишга даъват этган хавф бугунги кунда намоён бўлди ва бутун дунё ҳамжамиятини жиддий ташвишга солиб қўйди. 11-13 май кунлари Ҳиндистоннинг Покҳран полигонида 5 та ер ости ядро синови амалга оширилди. Ҳиндистоннинг яқинда тузилган янги ҳукумати дунё осойишталигига рахна солувчи бу қилмишлари билан барча-барча тинчликсевар халқларнинг хоҳиш-иродасига, дунё ҳамжамиятига қарши турди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида бу воқеага мамлакатимиз муносабати қатъий маълум қилинди: «Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зонага айлантириш ташаббускори бўлган Узбекистон Ҳиндистоннинг ядро синовини ўтказишини қоралаб, дунёда ядро қуроли тарқатилишига қатъиян қарши эканлигини билдиради».

Қарангки, ҳинд халқининг тинчликсевар фарзанди Жавоҳарлаъл Нерунинг «Наҳотки, инсоният ўз кашфи билан ўзини ўзи вайрон этади» деган ҳайратангиз изтироби, ҳадиги учқунлари аср охирида унинг ўз авлодлари томонидан намоён бўлди ва дунёнинг барча давлатлари томонидан кескин норозиликка, қаршиликка учради.

«Маърифат» шарҳловчиси

Етти йилдирки, руҳ озод, кўнгил озод. Шу важдан ўтаётган ҳар кунимиз байрам. Жумладан, бугун ҳам...

Бугун пойтахтимизнинг Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театрида республика Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ёш ижодкорлар республика қўшиқ байрамининг якунловчи концерти бошланади.

Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан етиб келган байрам

БУГУН БАЙРАМ БОШЛАНАДИ

иштирокчилари айни дақиқаларда ўз ижодий маҳоратларини намойиш этишяпти.

Ушбу байрамнинг ўтказилиш дастурида танловнинг мутлақ ғолибларини аниқлаш баробарида иштирокчиларни пойтахтимизнинг энг эътиборли масканлари билан таништириш сингари тадбирлар ҳам белгилаб олинган.

Хуллас, ушбу қўшиқ байрамининг қандай ўтганлиги хусусида газетанинг сўнгги чиқишларида батафсил танишасиз.

Алишер НАЗАР

MMM

XABARLARI

MA'NAVIYAT — KO'NGIL CHASHMASI

Beshariq tumanidagi 10-maktabda «Oila — jamiyat tayanchi», «Ma'naviyat-taraqqiyot mezoni» mavzusida seminar-kengash o'tkazildi. Kengash ishtirokchilari maktab jamoasining O'zbekiston Respublikasining «Ta'lim to'g'risida»gi Qonuni hamda «Kadrlar tayyorlash milliy Dasturi»ni bajarish borasida olib boriyotgan ishlari bilan yaqindan tanishdilar.

Maktabning mohir muallimlari «Oila jamiyat asosidir», «Odob inson bezagi», «Ota-onaga hurmat odobi», «Oila — Vatan tayanchi», «Qishloq tarixi», «Non — rizqu ro'zimiz», «Tinchlik — hayot mazmuni» va «Do'stlik» mavzuida o'tkazgan ma'naviyat darslari anjuman ishtirokchilari tomonidan yuqori baholandi.

Ma'rifat G'ANIYEVA

ALPOMISH AVLODLARIMIZ

Yaqinda G'uzor tumanidagi sport litseyida «Alpomish» dostonining 1000 yilligi oldidan chavandozlik va ot sportiga bag'ishlangan qiziqarli tadbir bo'lib o'tdi. O'sha kuni dostondagi qahramonlar libosidagi o'quvchilar, haqiqiy ko'pkarining, haqiqiy ot poygasining guvohi bo'ldilar. Ko'pkari va ot sporti o'yinlari do'mbira jo'rligida namoyish etildi. G'uzor tuman xalq ta'limi bo'limi va tuman hokimligi bu tadbirda ishtirok etgan, barcha bosqichlarda o'z mahoratini ko'rsatgan yoshlarni diplom va estalik sovg'alari bilan taqdirladilar.

Yoshlar avlodlar jasorati, mardligi, farzandlar barkamolligida ot sporti turining naqadar ahamiyatliligini angladilar.

Sharofat ASHUROVA

SPORT SALOMATLIK GAROVI

Samarqahd shahridagi 51-maktabda Respublika «Kamolot» jamg'armasi kubogi uchun 1981—82 yillarda tug'ilgan qizlar o'rtasida voleybol bo'yicha Respublika mintaqa musobaqasi bo'lib o'tdi. Unda Surxondaryo, Qashqadaryo, Samarqand viloyatlarining terma jamoalari final bosqichga beriluvchi yagona yo'llanma uchun kurash olib bordilar.

Samarqand terma jamoasi qizlari surxondaryolik va qashqadaryolik dugonalarini bir xil — 3:0 hisobida mag'lubiyatga ushratib keyingi final bosqich o'yinlarida qatnashish huquqini qo'lga kiritdilar.

Surxondaryolik qizlar esa qashqadaryolik qizlarni 3:0 hisobida yengib 2-o'rinni egalladilar. G'olib va sovrindor jamoalarga Samarqand viloyati xalq ta'limi boshqarmasining esdalik sovg'alari va diplomlari topshirildi.

Endi g'olib Samarqand terma jamoasi qizlari Navoiy shahrida bo'ladigan Respublika «Kamolot» jamg'armasi kubogining final o'yinlarida ishtirok etadilar.

M.AHMEDOV

XABARLARI

DTM tahlili

КЎЗГУДА АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

1997 йилда Андижон вилояти бўйича 16619 нафар ёшлар Республиканинг олий ва ўрта ўқув юртларига кириш истагини билдириб ариза топширган. Шулардан 6339 нафари олий ўқув юртларига хужжат топширганлар. Имтиҳонлар натижасига кўра, математика, физика ва француз тилидан талабаларнинг жавоблари республика бўйича ўртача кўрсатгичидан юқори бўлган. Ўзбек тили ва адабиёти, тарих, кимё, инглиз ва немис тиллари бўйича ҳам жавоблар самарадорлиги республика бўйича ўртача кўрсатгичларига яқиндир.

Вилоятнинг Пойтуг (математика, физика, биология, кимё, немис тили), Шаҳрихон (биология, кимё, немис тили) шаҳарлари, Шаҳрихон туманлари (кимё, фрунцуз тили) нисбатан юқори кўрсатгичга эришганлар. Андижон шаҳридан ўқув юртига хужжат топширган талабалар она тили ва адабиётдан 44,8 %, биологиядан 56,5 % самарадорликка, Шаҳрихон шаҳри талабалари биологиядан 66,5 %, кимёдан 60,2 %, немис тилидан 34,7 % самарадорликка эришган. Лекин Буз туманидан ўқишга киришни истаган талабалар она тили ва адабиётдан 39,9 %, математикадан 28,8 % самарадорликка эришганлар, холос. Хонобод, Қорасув шаҳарлари, Асака туманидан ўқишга кириш истагини билдирган абитуриентлар ҳам анча паст натижа кўрсатганлар.

Вилоят абитуриентларининг эришган кўрсатгичлари халқ таълими ходимлари, ўқитувчилар, мактаблар маъмуриятлари томонидан таҳлил этилиб, таълимни мукаммаллаштириш учун етарлича хулоса чиқарилади деган умид билдирамиз.

фанлар	Андижон вилоятида жавоблар самарадорлиги (%)*	Республика бўйича ўртача кўрсаттич (%)
она тили	43,10	43,41
тарих	49,10	49,75
математика	42,00	40,87
физика	31,56	29,26
биология	51,33	53,39
кимё	40,60	40,73
география	42,94	43,47
инглиз тили	40,41	40,63
немис тили	27,89	27,94
француз тили	31,58	31,08

* Ушбу кўрсатгичлар қуйида жадвал шаклида берилган.

Она тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Андижон тумани	1186	42.2	483	40.2	164	46.4	539	42.7
2	Асака тумани	910	42.4	238	42.6	72	45.5	600	41.9
3	Шаҳрихон тумани	787	41.5	295	43.6	74	52.4	418	38.0
4	Қўрғонтепа тумани	901	43.1	401	43.4	82	46.7	418	42.2
5	Жалақудуқ тумани	1258	41.8	482	41.3	114	44.0	662	41.8
6	Марҳамат тумани	1211	43.2	483	47.6	94	40.8	634	40.2
7	Пахтаобод тумани	842	42.0	337	39.9	96	46.8	409	42.5
8	Избоскан тумани	1155	42.2	515	41.0	106	37.7	534	44.2
9	Бўз тумани	315	39.9	128	42.8	28	47.4	159	36.3
10	Хўжаобод тумани	740	44.8	282	46.0	87	46.8	371	43.5
11	Балиқчи тумани	1602	44.9	647	42.8	141	45.4	814	46.5
12	Булоқбоши тумани	726	45.3	347	43.9	39	51.0	340	46.2
13	Комсомолобод тумани	293	40.6	86	41.0	18	41.7	189	40.3
14	Олтинкўл тумани	965	43.8	304	42.7	86	49.6	575	43.5
15	Андижон шаҳри	1410	44.8	600	45.4	369	46.6	441	42.6
16	Асака шаҳри	296	44.1	93	45.6	54	50.1	149	41.0
17	Шаҳрихон шаҳри	112	41.7	53	45.1	9	64.5	50	33.9
18	Хонобод шаҳри	163	36.6	64	43.2	25	38.4	74	30.3
19	Қорасув шаҳри	155	39.4	57	41.1	15	37.0	83	38.6
20	Охунбобоев шаҳри	109	42.5	49	47.3	9	58.0	51	35.2
21	Марҳамат шаҳри	299	41.4	44	45.6	23	46.4	232	40.1
22	Пойтуг шаҳри	102	39.0	54	37.6	12	41.7	36	40.3
	Жами	**15537**	**43.0**	**6042**	**43.1**	**1717**	**45.9**	**7778**	**42.2**

Математика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Андижон тумани	640	35.0	252	42.9	96	37.0	292	27.4
2	Асака тумани	466	30.4	99	38.5	50	37.7	317	26.8
3	Шаҳрихон тумани	398	32.2	120	43.7	40	40.4	238	25.0
4	Қўрғонтепа тумани	471	36.8	202	45.7	54	44.1	215	26.6
5	Жалақудуқ тумани	625	32.6	215	40.0	60	38.1	350	27.1
6	Марҳамат тумани	642	32.7	200	44.6	68	31.3	374	26.6
7	Пахтаобод тумани	427	31.9	133	41.3	47	35.2	247	26.2
8	Избоскан тумани	598	32.4	277	36.3	71	34.3	250	27.4
9	Бўз тумани	155	28.8	56	36.6	16	34.0	83	22.6
10	Хўжаобод тумани	386	33.3	150	41.1	50	30.7	186	27.8
11	Балиқчи тумани	866	33.2	310	39.6	82	38.8	474	28.1
12	Булоқбоши тумани	314	35.7	166	41.4	21	38.6	127	27.7
13	Комсомолобод тумани	144	28.7	40	36.3	10	44.7	94	23.8
14	Олтинкўл тумани	573	38.6	142	52.4	52	42.2	379	32.9
15	Андижон шаҳри	858	36.9	314	44.4	257	38.7	287	27.3
16	Асака шаҳри	187	33.2	48	39.8	41	36.4	98	28.5
17	Шаҳрихон шаҳри	72	33.1	28	38.2	2	36.1	42	29.6
18	Хонобод шаҳри	119	32.6	31	43.5	21	44.6	67	23.8
19	Қорасув шаҳри	109	35.2	33	42.3	12	43.1	64	30.2
20	Охунбобоев шаҳри	54	34.7	17	42.2	3	59.3	34	28.8
21	Марҳамат шаҳри	146	32.3	23	47.6	17	44.9	106	27.0
22	Пойтуг шаҳри	71	39.2	38	47.6	10	37.2	23	26.3
	Жами	**9116**	**35.0**	**3474**	**43.0**	**1172**	**38.3**	**4470**	**28.0**

Тарих, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Андижон тумани	190	47.3	126	45.3	50	54.7	14	38.7
2	Асака тумани	151	47.5	72	51.2	17	53.1	62	41.7
3	Шаҳрихон тумани	124	46.5	80	45.5	29	51.7	15	41.9
4	Қўрғонтепа тумани	152	52.8	113	54.7	25	51.7	14	39.7
5	Жалақудуқ тумани	243	46.1	157	45.8	32	48.0	54	45.8
6	Марҳамат тумани	325	49.9	182	54.0	20	49.6	123	43.9
7	Пахтаобод тумани	181	46.1	124	46.3	39	45.9	18	44.8
8	Избоскан тумани	197	51.2	144	52.8	23	52.2	30	42.4
9	Бўз тумани	77	44.2	53	48.7	14	33.1	10	35.3
10	Хўжаобод тумани	168	48.4	99	50.2	34	47.7	35	44.0
11	Балиқчи тумани	300	48.4	225	48.2	53	51.8	22	42.6
12	Булоқбоши тумани	181	51.1	117	51.2	12	49.3	52	51.3
13	Комсомолобод тумани	52	44.4	28	46.0	8	58.0	16	34.9
14	Олтинкўл тумани	134	47.5	96	48.1	30	48.6	8	35.4
15	Андижон шаҳри	328	48.1	218	47.3	97	50.3	13	46.2
16	Асака шаҳри	62	44.3	36	45.3	14	48.0	12	36.8
17	Шаҳрихон шаҳри	18	51.7	10	46.4	6	63.9	2	41.7
18	Хонобод шаҳри	28	53.7	23	55.0	3	58.3	2	31.9
19	Қорасув шаҳри	22	46.1	17	46.2	3	51.9	2	36.1
20	Охунбобоев шаҳри	25	50.0	19	47.4	6	58.3		
21	Марҳамат шаҳри	89	43.9	17	50.8	9	44.1	63	41.9
22	Пойтуг шаҳри	11	34.1	9	35.8	2	26.4		
	Жами	**3171**	**48.1**	**2078**	**49.0**	**526**	**50.1**	**567**	**43.2**

Физика, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Андижон тумани	153	33.6	111	33.0	40	36.0	2	22.2
2	Асака тумани	59	33.8	41	30.9	15	46.3	3	10.2
3	Шаҳрихон тумани	57	33.9	48	31.9	9	44.4		
4	Қўрғонтепа тумани	85	31.2	79	31.8	6	23.1		
5	Жалақудуқ тумани	111	30.4	85	30.2	21	32.3	5	24.4
6	Марҳамат тумани	111	29.9	96	31.0	15	23.0		
7	Пахтаобод тумани	80	33.8	64	33.7	16	34.0		
8	Избоскан тумани	172	32.2	140	30.9	32	37.9		
9	Бўз тумани	18	30.4	16	26.4	2	62.5		
10	Хўжаобод тумани	77	32.9	64	32.7	13	34.0		
11	Балиқчи тумани	144	30.4	112	30.4	32	30.6		
12	Булоқбоши тумани	89	28.8	84	29.0	5	25.6		
13	Комсомолобод тумани	18	29.8	16	27.1	2	51.4		
14	Олтинкўл тумани	70	32.9	54	33.2	16	31.9		
15	Андижон шаҳри	178	33.8	89	31.5	79	35.4	10	40.6
16	Асака шаҳри	22	37.1	13	34.2	9	41.4		
17	Шаҳрихон шаҳри	22	27.5	17	29.1	2	13.9	3	27.8
18	Хонобод шаҳри	26	29.6	14	27.2	10	35.8	2	15.3
19	Қорасув шаҳри	19	31.3	7	24.6	5	32.8	7	36.9
20	Охунбобоев шаҳри	3	34.3	3	34.3				
21	Марҳамат шаҳри	23	28.9	9	25.6	3	37.0	11	29.3
22	Пойтуг шаҳри	15	43.5	11	44.9	4	39.6		
	Жами	**1828**	**34.0**	**1367**	**33.9**	**418**	**34.7**	**43**	**30.2**

Биология, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Андижон тумани	355	49.5	123	50.1	27	45.6	205	49.7
2	Асака тумани	294	45.0	72	51.5	7	50.4	215	42.6
3	Шаҳрихон тумани	277	48.7	107	53.9	8	61.1	162	44.6
4	Қўрғонтепа тумани	298	52.4	107	47.8	10	55.0	181	55.0
5	Жалақудуқ тумани	408	49.3	136	48.3	29	52.0	243	49.4
6	Марҳамат тумани	264	48.7	129	52.1	10	58.6	125	44.4
7	Пахтаобод тумани	252	49.1	103	49.8	23	39.6	126	50.3
8	Избоскан тумани	363	49.9	111	51.5	17	37.1	235	50.0
9	Бўз тумани	96	38.8	30	41.5	4	52.8	62	36.6
10	Хўжаобод тумани	204	52.5	46	54.8	13	49.8	145	52.0
11	Балиқчи тумани	463	48.7	144	46.3	14	56.2	305	49.5
12	Булоқбоши тумани	239	52.0	79	53.5	8	55.2	152	51.1
13	Комсомолобод тумани	95	45.7	22	52.4			73	43.7
14	Олтинкўл тумани	255	49.7	74	51.9	10	53.3	171	48.6
15	Андижон шаҳри	251	56.5	88	60.9	36	52.4	127	54.6
16	Асака шаҳри	49	43.5	11	50.0	3	58.3	35	40.2
17	Шаҳрихон шаҳри	23	66.5	15	75.6	3	65.7	5	40.0
18	Хонобод шаҳри	17	45.8	10	50.0			7	39.7
19	Қорасув шаҳри	20	52.5	7	50.0			13	53.8
20	Охунбобоев шаҳри	30	51.3	14	58.9	2	68.1	14	41.3
21	Марҳамат шаҳри	70	49.0	6	38.9	2	18.1	62	51.0
22	Пойтуг шаҳри	20	58.9	8	61.5			12	57.2
	Жами	**4413**	**49.3**	**1493**	**50.7**	**245**	**48.1**	**2675**	**48.7**

Инглиз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Андижон тумани	240	39.1	177	42.4	63	29.8		
2	Асака тумани	126	36.2	90	38.4	36	30.9		
3	Шаҳрихон тумани	137	32.6	99	33.9	38	29.2		
4	Қўрғонтепа тумани	156	39.3	133	40.5	23	32.2		
5	Жалақудуқ тумани	189	35.2	147	37.0	42	28.8		
6	Марҳамат тумани	118	47.7	96	50.5	22	35.6		
7	Пахтаобод тумани	93	35.2	67	38.3	26	27.1		
8	Избоскан тумани	136	38.3	111	39.5	25	33.0		
9	Бўз тумани	67	35.3	53	36.8	14	29.8		
10	Хўжаобод тумани	114	33.9	84	35.7	30	29.0		
11	Балиқчи тумани	314	39.5	255	41.6	59	30.4		
12	Булоқбоши тумани	64	38.4	60	38.8	4	32.6		
13	Комсомолобод тумани	35	35.6	26	35.5	9	35.8		
14	Олтинкўл тумани	134	39.5	103	41.6	31	32.6		
15	Андижон шаҳри	464	40.5	297	44.5	167	33.4		
16	Асака шаҳри	71	36.4	45	39.6	26	30.9		
17	Шаҳрихон шаҳри	21	31.1	19	32.6	2	16.7		
18	Хонобод шаҳри	53	41.1	39	44.4	14	31.9		
19	Қорасув шаҳри	45	35.4	36	36.6	9	30.6		
20	Охунбобоев шаҳри	29	43.6	24	42.0	5	51.1		
21	Марҳамат шаҳри	30	48.9	19	54.1	11	39.9		
22	Пойтуг шаҳри	13	38.5	10	39.2	3	36.1		
	Жами	**2649**	**38.5**	**1990**	**40.8**	**659**	**31.6**	**0**	**0.0**

Кимё, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Андижон тумани	153	38.9	105	41.1	21	34.1	27	33.6
2	Асака тумани	69	40.6	58	42.5	5	26.1	6	34.7
3	Шаҳрихон тумани	91	49.1	81	51.6	7	31.7	3	22.2
4	Қўрғонтепа тумани	104	37.4	88	38.2	8	39.2	8	27.1
5	Жалақудуқ тумани	137	36.8	99	38.4	24	33.7	14	30.4
6	Марҳамат тумани	110	35.9	90	36.5	10	37.2	10	28.9
7	Пахтаобод тумани	114	33.4	78	34.5	18	32.1	18	29.8
8	Избоскан тумани	132	38.3	99	40.9	15	28.0	18	32.6
9	Бўз тумани	26	34.0	22	34.5	2	36.1	2	26.4
10	Хўжаобод тумани	49	37.2	36	39.1	9	29.3	4	37.5
11	Балиқчи тумани	138	35.2	119	34.9	10	39.4	9	35.5
12	Булоқбоши тумани	78	40.7	65	41.2	5	39.4	8	36.8
13	Комсомолобод тумани	24	45.1	18	46.8			6	40.3
14	Олтинкўл тумани	91	35.3	68	38.1	6	25.0	17	27.6
15	Андижон шаҳри	100	44.9	69	51.5	18	26.4	13	35.5
16	Асака шаҳри	12	35.6	10	36.9			2	29.2
17	Шаҳрихон шаҳри	17	57.4	15	60.2			2	36.1
18	Хонобод шаҳри	8	40.3	8	40.3				
19	Қорасув шаҳри	11	38.4	7	38.9			4	37.5
20	Охунбобоев шаҳри	15	42.8	13	40.8	2	55.6		
21	Марҳамат шаҳри	6	31.0	4	27.1			2	38.9
22	Пойтуг шаҳри	11	47.7	8	50.3			3	40.7
	Жами	**1674**	**40.4**	**1289**	**42.0**	**160**	**32.7**	**225**	**36.7**

Француз тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Андижон тумани	17	26.3	11	28.0	6	23.1		
2	Асака тумани	4	22.2	4	22.2				
3	Шаҳрихон тумани	13	33.1	9	32.4	4	34.7		
4	Қўрғонтепа тумани	9	27.8	9	27.8				
5	Жалақудуқ тумани	21	27.9	18	29.0	3	21.3		
6	Марҳамат тумани	81	28.8	66	30.1	15	23.0		
7	Пахтаобод тумани	11	26.0	7	27.8	4	22.9		
8	Избоскан тумани	31	30.3	26	31.3	5	25.0		
9	Бўз тумани	10	28.1	8	33.3	2	6.9		
10	Хўжаобод тумани	10	28.1	4	32.6	6	25.0		
11	Балиқчи тумани	77	28.8	56	30.7	21	23.7		
12	Булоқбоши тумани	75	36.1	64	38.6	11	22.0		
13	Комсомолобод тумани	10	34.2	10	34.2				
14	Олтинкўл тумани	10	30.3	10	30.3				
15	Андижон шаҳри	21	27.2	11	28.5	10	25.8		
16	Асака шаҳри	4	21.5	2	22.2	2	20.8		
17	Қорасув шаҳри	3	31.5	3	31.5				
18	Марҳамат шаҳри	9	24.7	5	30.0	4	18.1		
19	Пойтуг шаҳри	8	29.9	6	31.9	2	23.6		
	Жами	**483**	**30.3**	**379**	**32.1**	**104**	**23.6**	**0**	**0.0**

География, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Андижон тумани	5	33.3	5	33.3				
2	Асака тумани	7	52.0	5	53.3	2	48.6		
3	Шаҳрихон тумани	4	47.9	2	47.2	2	48.6		
4	Қўрғонтепа тумани	5	52.8	2	45.8	3	57.4		
5	Жалақудуқ тумани	15	32.8	15	32.8				
6	Марҳамат тумани	20	51.3	14	50.8	4	47.2	2	62.5
7	Пахтаобод тумани	5	41.7	5	41.7				
8	Избоскан тумани	6	33.8	6	33.8				
9	Бўз тумани	6	36.1	4	35.4	2	37.5		
10	Хўжаобод тумани	13	45.7	11	46.2	2	43.1		
11	Балиқчи тумани	21	42.2	19	42.7	2	37.5		
12	Булоқбоши тумани	4	37.5	4	37.5				
13	Олтинкўл тумани	2	47.2	2	47.2				
14	Андижон шаҳри	6	53.7	4	57.6			2	45.8
15	Асака шаҳри	7	36.1	7	36.1				
16	Шаҳрихон шаҳри	7	45.2	7	45.2				
17	Хонобод шаҳри	5	51.1	5	51.1				
18	Қорасув шаҳри	2	47.2	2	47.2				
19	Охунбобоев шаҳри	4	43.1	4	43.1				
20	Марҳамат шаҳри	12	43.5	10	40.6			2	58.3
21	Пойтуг шаҳри	9	45.4	9	45.4				
	Жами	**373**	**41.5**	**350**	**41.0**	**17**	**46.6**	**6**	**55.6**

Немис тили, ўзбек тили бўлимлари

№	Туманлар ва шаҳарлар	Ўртача кўрсаткичлар		Олий ўқув юртлари (кундузги бўлимлар)		Олий ўқув юртлари (сиртки бўлимлар)		Ўрта махсус ўқув юртлари	
		Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик	Абитуриентлар сони	Самарадорлик
1	Андижон тумани	59	25.6	39	29.1	20	18.8		
2	Асака тумани	27	22.5	19	22.4	8	22.9		
3	Шаҳрихон тумани	26	23.3	17	24.8	9	20.4		
4	Қўрғонтепа тумани	92	28.8	59	30.0	33	26.7		
5	Жалақудуқ тумани	70	26.3	59	26.3	11	26.8		
6	Марҳамат тумани	71	28.1	49	30.3	22	23.1		
7	Пахтаобод тумани	87	26.1	71	26.6	16	23.6		
8	Избоскан тумани	120	24.7	100	25.4	20	21.1		
9	Бўз тумани	7	29.8	5	29.4	2	30.6		
10	Хўжаобод тумани	81	27.3	65	28.8	16	21.2		
11	Балиқчи тумани	31	29.8	27	30.1	4	27.8		
12	Булоқбоши тумани	48	23.0	39	23.6	9	20.1		
13	Комсомолобод тумани	9	22.5	5	24.4	4	20.1		
14	Олтинкўл тумани	71	27.2	51	29.0	20	22.6		
15	Андижон шаҳри	129	25.6	72	28.0	57	22.5		
16	Асака шаҳри	25	26.4	14	27.8	11	24.7		
17	Шаҳрихон шаҳри	15	52.8	13	55.6	2	34.7		
18	Хонобод шаҳри	8	43.1	8	43.1				
19	Қорасув шаҳри	2	23.6	2	23.6				
20	Охунбобоев шаҳри	5	27.8	5	27.8				
21	Марҳамат шаҳри	4	30.6	2	19.4	2	41.7		
22	Пойтуг шаҳри	25	34.4	23	33.6	2	44.4		
	Жами	**1308**	**32.3**	**996**	**34.0**	**312**	**26.7**	**0**	**0.0**

Tashabbus

ГАЗЕТАДА ГАЗЕТА

Норин туманида халқ таълими ходимларининг нашри пайдо бўлди. У «Маорифчи» газетасидир. Газетанинг илк сони ўтган йилнинг август ойида кўп нусхада ўқувчиларга тарқатилган эди. Ҳозирда «Маорифчи» саҳифаларида халқ таълимига доир янгиликлар, услубий ва таҳлилий мақолалар, муаллимлар ижодидан намуналар эълон қилинмоқда. Газетани яхлит бир янгилик дейишимиз мумкин.

Туманда «Нурли йўл» газетаси «Маорифчи» учун ҳар ойда бир марта ўзининг ички қўш саҳифасини ажратяпти. Республика миқёсида кўпгина педагогик матбуот нашрлари бор, шунингдек, вилоят халқ таълими бошқармаси ҳам ўзининг алоҳида нашрига эга. Хўш, туманда ҳам алоҳида тармоқ газетасини ташкил этишга зарурат бор эдими?

Норинликлар «албатта бор» деган фикрда. Чунки битта туман миқёсидаги қўчик, аммо муҳим ахборотлар, ҳудудий янгиликлар, янги тажрибалар, яратилаётган митти ихтиролар, услубий мақолалар, зарурат туғилганда ошкора танқидий фикрларни тезкорлик билан ўқувчиларга етказиш мумкин..

Хуллас «Маорифчи»нинг ҳар бир сони норинлик муаллимлар, зиёлилар, ота-оналар учун нондек азиз бўлиб қолди.

Аваз ҲАЙДАРОВ,
ўз мухбиримиз

Ekologik tarbiya

ЮРТИМИЗ ҲАВОСИ МУСАФФО БЎЛСИН!

«Транспорт воситаларидан чиқаётган газ шаҳар ҳавосини ниҳоятда ифлослантирмоқда. Машина энг серқатнов бўлган Токио, Оттава шаҳарларида атмосферанинг ифлосланиши 40 фоизга яқин, пойтахтимизнинг биргина Чилонзор туманининг ўзида бу кўрсаткич 80 фоизга етмоқда. Чорраҳаларда эса ҳавонинг ифлосланиши белгиланганидан 70 марта кўп».

*Сиз юқорида ўқиган жумлаларни куни кеча Тошкент автомобиль ва йўллар техникум

МАКТАБДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ

У ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ЮКСАК САМАРАДОРЛИККА ЭРИШИШИНГИЗДА ЁРДАМ БЕРАДИ

(Боши 1-бетда)

лари асосида ўқувчиларнинг интеллектуал, шахсий, ҳиссий-иродавий хусусиятларини ўрганади. Мактаб таълимига психологик тайёргарлигини аниқлаб, болаларни 1-синфга қабул қилишда қатнашади. Ота-оналарга фарзандлари билан ишлаш усулларини таклиф этади. Болаларнинг ҳар томонлама мукаммал ривожланишини таъминлаш учун улар билан индивидуал ишлаш дастурини тузади. Янги турдаги мактабларга, яъни академик лицей ва ҳунар-таълим коллежларига ўқувчилар қабул қилишда иштирок этиб, уларнинг қобилиятларини аниқлаб беради. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, баъзи ота-оналар фарзандларининг қобилияти, қизиқишларини ҳисобга олмаган ҳолда ўзлари хоҳлаган лицей ва коллежларга олиб келишади. Мана шу жараёнда психолог боланинг қобилияти ва лаёқатларини аниқлаб, ота-онасига ҳам йўл-йўриқ кўрсатади. Бу мактаб психологининг бугунги кундаги асосий ва масъулиятли вазифаси ҳисобланади.

Мактаб психологи болаларнинг бошланғич мактабдан тўлиқсиз ўрта мактабга ўтиш давридаги психологик ўзгариш қонуниятларини ўрганади. Таълим-тарбия, яшаш шароити билан боғлиқ бўлган асабий ҳолатлар, руҳий зўриқишнинг олдини олиш учун оқлов чора-тадбирларини олиб боради. Тарбиявий иш режасини: амалга оширилган ва тайёрланаётган тадбирларни ўқувчиларнинг ёш ва этнопсихологик хусусиятларига монандлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилади.

Мактаб психологи фақатгина ўқувчилар билан эмас, балки мактаб жамоаси, яъни ўқитувчилар билан ҳам психопрофилактик ишларни олиб боради. Улар ўртасида содир бўлувчи низоларнинг психологик илдизини ўрганади, уларни келтириб чиқарувчи сабабларни таҳлил қилади, фавқулодда низоли вазиятларни енгиллаштиради. Ходимлар руҳиятини тетиклаштириш, улардаги тушкун кайфиятни бартараф этиш юзасидан тавсиялар беради.

Мактаб психологининг навбатдаги вазифаси психодиагностик (ташхис) йўналишдаги ишлардир. Бу йўналиш ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш жараёнидаги хатоликларни, нуқсонларни аниқлашга, шахсий ривожланишига тўсиқ бўлувчи омилларни ташҳис этишга қаратилган ўзлаштирмасликнинг, хулқи оғишганликнинг, ўқувчининг ўз тенгдошлари билан шахслараро муносабатлари бузилишининг психологик сабабларини ҳамда ўқув малакаларини ва кўникмаларини эгаллашдаги нуқсонлар сабабларини таҳлил қилади.

Раҳбар кадрларнинг, ўқитувчиларнинг касбга яроқлилиги илмий асосда текширилади ва аниқ тавсияномалар ишлаб чиқилади. Иш юритиш, сайлов, саралаш, танлов, қабул қилиш бўйича илмий психологик прогноз (башорат) қилиш ва вужудга келиши мумкин бўлган хавфдан маъмуриятни огоҳ этиш, аттестация, ижтимоий талаб ва буюртмалар юзасидан психологик ахборот тўплаш ва уларни умумлаштириб, яккаҳол тавсияномалар яратиш ҳам психологнинг вазифалари қаторига киради.

Психологик хизматнинг яна бир йўналиши психологик коррекция, яъни тузатиш ишлари. Юқорида санаб ўтилган барча вазифалар амалга оширилгандан сўнг, яъни камчиликлар, нуқсонлар сабаблари аниқлангандан сўнг, уларни тузатиш ва батамом бартараф этиш ҳамда ўқувчи ёшига нисбатан орқада қолишининг олдини олиш ушбу йўналишда алоҳида аҳамият касб этадиган вазифалардир.

Шунингдек, психологик маслаҳат йўналишида психолог таълим, тараққиёт, тарбия, касб танлаш ва турмуш қуриш, ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш, қобилият, иқтидор масалалари ва муаммолари юзасидан ота-оналарга, раҳбарларга, ўқитувчиларга яккаҳол ёки гуруҳий тарзда психологик маслаҳатлар беради.

Халқ судларининг, васийлик органларининг балоғатга етмаганлар билан ишлаш нозирларининг расмий талабларига кўра, боланинг психик ҳолатини экспертиза қилишда иштирок этади, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этишда идоралар томонидан асослироқ қарор чиқаришга ёрдамлашиб, махсус ўқув даргоҳларига йўлланма беради.

Хуллас психологик хизмат бугунги кунда халқ таълими тизимининг муҳим таркибий қисми бўлиб ҳисобланиши керак. Психологик хизматнинг мақсади ва психологнинг бевосита мактабда бажарадиган ишлари ҳақида мен қисқача, умумлаштирган ҳолда ва айрим муҳим ўринларини гапириб ўтдим. 1996 йилда халқ таълими тизимида психологик хизмат ҳақида Низом қабул қилинган. Ушбу Низомда психологнинг вазифалари, мақсади, бурчи ва ҳуқуқлари батафсил ёритилган.

— Маълумки, шу давргача бизда психология фанига эътибор кам эди. Эндиликда ушбу соҳани ривожлантиришга кенг эътибор берилмоқда. 1997 йилдан барча мактабларга ва лицей, коллежларга психолог учун алоҳида ўрин берилганлиги бунинг яна бир исботидир. Психологик хизмат халқ таълими тизимида муҳим аҳамият касб этиб турган бир вақтда бу соҳага кадрлар етказиб бериш масаласи қандай ҳал этилмоқда?

— Халқ таълими тизимида психологик хизматни йўлга қўйиш учун малакали мутахассислар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган, университетимиз қошида ташкил этилган амалиётчи психологлар тайёрловчи махсус факультет, мана 8 йилдан бери фаолият кўрсатиб турибди. Ушбу факультет бугунги кунда ниҳоятда тақчил бўлган амалиётчи психологларни турли таълим-тарбия муассасаларида фаолият кўрсатаётган, муайян даражада педагогик тажрибага эга бўлган олий маълумотли ўқитувчи ва тарбиячиларни 9 ой мобайнида қайта ўқитиш асосида тайёрлайди.

Бу махсус факультет тингловчиларни давлат томонидан ажратилган грант асосида, танлов услубида ва шартнома асосида қабул қилади. Шу вақтгача факультетимиз халқ таълими тизими учун 400 дан ортиқ мактаб психологи тайёрлаб берди. Булардан бир нечтаси аспирантурада ўқишни давом эттириб, номзодлик диссертациясини ёқлашди.

Ўқув жараёнининг ташкил қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Олий ва Ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликларининг қўлланма ва меъёрий ҳужжатларига асосланган. Факультет тингловчиларига умумий психология, ижтимоий психология, ёш ва педагогик психологияси, психодиагностика, психокоррекция, психотренинг, этнопсихология, профориентация, махсус психология, иқтидорли болаларни танлаш, психологик маслаҳат ва оила психологияси фанларидан Республикада таниқли мутахассис олимлар билим беришмоқда.

Республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам шундай амалий психологлар тайёрлаш учун ҳаракат қилиняпти. Жумладан, Фарғона давлат университетида психология бўлими, Бухоро, Навоий, Самарқанд ҳамда Андижон вилоятларида амалиётчи психологлар тайёрлаш курслари очилган. Айниқса Бухоро вилоятида психологик хизмат намунали йўлга қўйилган. Бу ерда 200 дан ортиқ мактабларда амалиётчи психологлар иш олиб боришаяпти.

— Муҳаммад Галимович, мана яқинда сизларнинг жамоангизда муҳим, қувончли воқеа юз берди, яъни институт Тошкент давлат педагогика университетига айлантирилди. Мана шундан келиб чиққан ҳолда, факультет келгусида қандай янги ишларни режалаштирмоқда.

— Бугунги кунгача бизнинг факультетимиз фақатгина халқ таълими тизимига амалиётчи психологлар айёрлаб берар эди. Эндиликда эса, барча касб йўналишларига: тиббиёт муассасаларига, ҳуқуқ идораларига, санъат ва хўжалик соҳаларига ҳам психологлар тайёрлашни режалаштиряпмиз. Ҳозирда мана шу курслар учун ўқув қўлланмалари ва ўқув режалари устида мутахассис олимларимиз иш олиб боришяпти.

1998-1999 ўқув йилида 75 ўринга, 50 та ўзбек гуруҳи ва 25 та рус гуруҳи учун тингловчилар қабул қилмоқчимиз. Бундан ташқари яна тижорат асосида, яъни шартнома билан 75 ўринга тингловчилар қабул қилишни мўлжаллаяпмиз.

1998 йилнинг сентябрь ойидан психология фанлари бўйича магистратура ташкил этиш ниятимиз ҳам бор. Бунинг учун танлов асосида Республиканинг барча вилоятларидан олий маълумотли, иқтидорли ёш мутахассислар танлаб олинади. Магистратурага қабул қилинганлар 2 йил мобайнида таҳсил олиб магистрлик диссертациясини ҳимоя қилишади ва уларга психология фанлари магистри унвони берилади.

Юқоридагилардан кўринадики, бизнинг олдимизда кадрлар тайёрлаш миллий Дастурини бажариш борасида муҳим ва масъулиятли вазифалар турибди. Ишонаманки, республикамиз психологлари бу режаларни бажариш қай даражада муҳим эканлигини ҳис қиладилар ва яқин йиллар ичида зарур миқдордаги психолог кадрларни тайёрлаб бериш учун бор имкониятларини ишга соладилар. Ҳар бир мактаб, олий ўқув юрти, маиший корхоналар, тиббий муассасаларда ва саноатда шундай шароит ва иқлим яратишадики, натижада инсонлар бир-бирларини яхшироқ тушунадилар, ўзаро мулоқотда, ўқиш ва меҳнатда ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятда катта ютуқларга эришадилар.

Ҳулкар РАҲИМҚУЛОВА
суҳбатлашди

ТАЪЛИМДА РАҚОБАТ

(Боши 1-бетда)

сифатли таълим кафолатланади, иккинчидан, ташкилотнинг даромад солиғи ўзгартирилишини тақозо этиб, муайян таълим ислоҳотига молияни йўналтириш ижобий натижа беради, деб ўйлаймиз.

Академик лицейларда ўқув жараёнини янада яхшилаш, ўқувчилар чуқур билим олишлари учун ўқув жараёнини ўзгартиришини тақозо этади. Ўқувчиларнинг танлаган ихтисосига мос бўладиган билим кўламини кенгайтириш лозим. Масалан, математика ихтисоси бўйича «Математик мантиқ», «Математика тарихи» дарслари ўқитилишининг жорий этилиши кўп самара беради. Ўқувчиларнинг ихтисосидан қатъи назар «Мантиқ», «Инсоний муомала санъати» ўргатилса айни муддао бўлар эди. Ихтисос йўналиши ва ўқув фанларининг ўқувчи томонидан тўлиқ ўзлаштиришга фанлар йўналишининг яқинлигини инобатга олган ҳолда мажмуа сифатида гуруҳларга ажратилиб йил мобайнида эмас, балки мунтазам бир ёки икки чоракда таълим бериш катта имкониятлар беради, деб ўйлаймиз. Масаланинг яна бир қулай томони, академик лицейлардаги етук мутахассислар вужудга келган бўш вақтларини бошқа ўқув муассасаларида дарс беришга сарфлаш имконияти туғилади.

Демократик давлат ва очиқ фуқаролик жамияти қурилишида барча ўқув муассасаларида ўқувчилар Кенгашининг роли катта бўлганлиги сабабли ўзўзини бошқариш принципида унинг амалий фаолиятини ривожланишига урғу бериш лозим. Фикримизча, ўқувчилар Кенгашининг «Мустақил фикр» деворий газетасини чиқариш, «Қувноқлар ва зукколар» клубини ривожлантириш баркамол авлодни шаклланишида ўзига хос аҳамият касб этади.

Ўқитувчилар, ўқувчи, ота-оналар, жамоатчилик томонидан таълим-тарбия ислоҳотига оид фикру мулоҳазаларини шаҳар, туман, вилоят маориф бўлимларида таҳлилий марказлар барпо этилса ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Х. ИСМОИЛОВ,
педагог,
Е. ИСМОИЛОВА,
ФДУ 11-сонли лицей-интернат муаллимаси

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Шу кунларда Туркия ҳарбийларининг юксак лавозимли мулозимларидан бири Москвага келган. Исмоил Ҳақ Қорадоий ташрифидан мақсад, Россия қанотли ракеталарининг Кипрга келтирилишини олдини олишдан иборат.

Мустақил манбаларнинг хабарига кўра, сафарнинг асосий мақсади Россиянинг Кипрга «С-300» номли ҳаво ҳужумига қарши ракеталариниг сотиши тўғрисидаги битимга тўсқинлик кўрсатишдир. Москва ўз баёнотларида Кипрга сотилаётган бу яроқ фақат муҳофаза учун қўлланилишини айтган эди. Лекин Туркияни бундай жавоб ҳалигача қониқтирган кўринмайди.

Лондон, «ВВС»
ўзбек хизмати

Maktabgacha tarbiya

БИЙРОН ТИЛЛИ БОЛАЛАР

Тошкент шаҳридаги 273-мактабда «Ўзбек тили фестивали» бўлиб ўтди. Фестивалда Юнусобод туман болалар боғчаларининг русийзабон тарбияланувчилари ўзбек тилида шеър, қўшиқ ва саҳналаштирилган асарларини ижро этишиб, ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Тил байрамига РТМ; ТШХТББ, туман халқ таълими бўлимларининг мутасадди вакиллари, шаҳар болалар боғчаларининг мудиралари, услубчи ва тарбиячилари қатнашдилар.

Анжуман русийзабон болажонларнинг «Ўзбекистон—Ватаним маним» қўшиғи билан бошланди. Мурғак қалбларга эстетик тарбия беришда асарни саҳналаштиришнинг аҳамияти жуда каттадир. Жажжи кичкинтойлар иштирокида «Олтин тарвуз» (156-болалар боғчаси),»Бўри ва эчки болалари» (154-болалар боғчаси), «Уйча» (136-болалар боғчаси) эртаклари саҳналаштирилди. Болалар боғчаларида қўғирчоқ театрига ҳам қизиқиш кучаймоқда. 519-болалар боғчасининг гулғунчалари «Савдогар ва унинг уч қизи» эртагини курсатдилар.

«Табиатни асранг» композициясида (501-болалар боғчаси) табиатни севиш, уни асраш, ён-атрофни кукламзорлаштириш, боғ-роғларга айлантириш ҳақидаги фикр улуғланади.

Анжуманда 245-болалар боғчаси кичкинтойлари иштирокидаги «Шарқ бозори» саҳнаси ҳам иштирокчиларда қизиқиш уйғотди. Анжуман давомида 74, 202, 499, 532-болалар боғчаларининг ёш, ҳаваскор тарбияланувчилари ўзларининг жозибали қўшиқ ва рақслари билан йиғилганларни хушнуд этдилар.

Тилга бағишланган мазкур фестивалда туман халқ таълими бўлими мудири Маъсуда Одилова иштирок этди.

— Ҳурматли, ҳамкасблар, — деди М. Одилова, — бугунги анжуман Халқ таълими вазирлиги ҳамда РТМ ташаббуси билан амалга оширилди. Ҳар бир фарзандни боғчада пишиқ-пухта, мустақил фикрлайдиган тарзда мактабга тайёрлаш лозим. Бу борада боғчаларда давлат тили — ўзбек тилини яхши ўрганаётганликларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Мазкур тил байрамидан ҳам руҳан, ҳам маънан озиқ олдик. Бу — тиниб-тинчимай, изланиб ишлаш натижаси.

Кенгаш иштирокчилари — тарбияланувчиларга узбек-турк қўшма корхонаси, ҳамда «Бешёғоч» фирмасининг эсдалиқ совғалари топширилди.

Қизиқарли ўтган «Узбек тили фестивали» йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Faxr

ОРЗУЛАРИ ОЙДИН ҚИЗ

Тошкент давлат Иқтисодиёт университети иқтисодиёт факультети 3-курс талабаси Гулчехра Олимжонова II босқич республика олимпиадасида «Иқтисодиёт, ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил этиш» фани бўйича мутлақ ғолиб бўлди. Илғор талаба «аъло» ўқиш билан бирга хорижий тилларни ҳам мукаммал ўзлаштириб бораяпти. Гулчехра шу йўл орқали иқтисодиёт соҳаси бўйича чет эл тажрибаларини пухта ўрганишни ўз олдига катта вазифа қилиб қўйган.

Орзигул МАТҚУРБОНОВА

«ҲАҚҚОНИЯТ» ҒАЛАБАСИ

Siz qonunni bilasizmi?

Ўзбекистонимиз ҳуқуқий давлат сари қадам қўяр экан, ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларни чуқур эгаллашлари ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» жамғармаси, Республика Олий Суди, Ички Ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Телерадиокомпанияси ҳамкорлигида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови ҳам худди шу эзгу ва хайрли мақсад билан ташкил этилган эди. 11—12 май кунлари Тошкент Давлат университетининг маданият саройида мазкур кўрик-танловнинг финал босқичи бўлиб ўтди. Финал босқичда республикамиз мактаблари юқори синф ўқувчиларидан Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Сирдарё вилоятлари вакиллари қатнашдилар.

Икки кун давом этган кўрик-танловнинг биринчи куни иштирокчи жамоаларнинг ўзларини таништириши, ҳуқуқий билимлари савиясини аниқлаш, иккинчи куни эса, ҳуқуқий билимлар асосидаги саҳнавий кўриниш, сардорлар беллашуви, бадиий кўрик шартлари бўйича ўз билим ва маҳоратлари намойиш этилди.

Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига биноан, Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги 10-мактаб ўқувчиларидан иборат (ўқитувчилари Раҳмат Эшбоев, Зилола Ҳайитова) «Ҳаққоният» жамоаси биринчи ўринни, Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчилари иккинчи, Андижон вилояти жамоалари учинчи ўринни эгалладилар.

— Бу кўрик-танлов ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларга чанқоқлигини кўрсатди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Маънавият ва қўшимча таълим» бошқармаси етакчи мутахассиси Рўзимуҳаммад Султонов. — Ўқувчи ёшларимиз Конституциямиз, амалдаги қонунларимиз, ҳукуматимиз қарорлари, Президентимиз фармонлари билан ниҳоятда қизиқадилар. Шу билан бир қаторда жамиятимизда Қонуннинг устувор бўлишига эришишда фаол қатнашиш, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик каби иллатларни йўқотиш истагида эканлиги қувонтиради кишини.

Бир сўз билан айтганда, катта ҳаёт остонасида турган юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови ўзига хос бир мактаб вазифасини ўтади, десак янглишмаган бўламиз.

З. УСМОНОВА

Суратда: биринчи ўрин соҳиблари — «Ҳаққоният» жамоаси аъзолари ўз раҳбарлари билан.

Tajriba

ЎҚИТУВЧИЛАР «ЎҚУВЧИ» БЎЛИШДИ

Муаллим-муҳандис ходимларнинг малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» олдимизга қўйган муҳим вазифалардан биридир. Тошкент вилояти касб-ҳунар таълими ўқув муассасаларида илғор педагогик технологиялардан тўлиқ фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор берила бошлаганлигининг боиси ҳам шунда. Бу масалани ҳал этишда ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг шаҳар, вилоят миқёсида ўтказиладиган услубий шўъба ишлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки улар амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, келажакда муаммоли масалаларни ҳал қилиш керак бўлган вазифаларни аниқлаб олишга, маълум бир йўналишни белгилашга шароит туғдиради.

Шўъба ишларининг асосий вазифаси вилоят касб-ҳунар таълими тизимида ижодий педагогик тажрибаларни ўрганиб, уларни касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари ўртасида амалиётда қўллаб, кенг муҳандис-муаллим ходимлари оммасига ёйишдан иборат.

Шўъба аъзолари билан яқиндан мулоқотда бўлиш шуни кўрсатдики, кўпчилик муаллим-муҳандис ходимлар (ўқитувчилар) муҳандислик маълумотига эга бўлиб, педагогик тайёргарлиги ва тажрибалари етарли эмас. Шунинг учун шўъба ишларида кўпроқ педагог ва психолог олимлар, мутахассислар, тажрибали ўқитувчилар билан учрашувлар ўтказиш яхшироқ натижа беради. Яна, мунтазам босмадан чиқарилаётган услубий қўлланмалардан фойдаланишга, биргаликда уларни таҳлил қилиб, фикр-мулоҳазалар билан ўртоқлашишга алоҳида эътибор қаратилган.

Шундай шўъба ишларидан бири Пискент туманидаги 5-касб-ҳунар мактабида ўтказилди. Унда республика касб-ҳунар таълими ходимларининг малакасини ошириш олийгоҳининг профессори Людмила Антипова иштирок этди. Лойиҳалаш фани ўқитувчиси Б. Қодирова «Аёллар енгил қўйлагини лойиҳалаш» мавзусида очиқ дарс ўтказди. Дарс таҳлилига танқидий, ижодий ёндашилди.

Л. Антипова ўтказилган дарс ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, кўпчилик ҳунар таълими муассасалари ўқув жараёнларидаги янгилик ҳисобланган дидактик ўйинларнинг бир неча турини иштирокчиларга тавсия этган ҳолда икки соат дарс ўтиб берди. Бу дарсда иштирокчилар ўқувчи вазифасини бажардилар. Шундай қилиб, қатнашчилар шўъба ишидан олам-олам таассурот ва бой маълумотлар билан кетишди.

М. ФОЗИЛОВА,
Тошкент вилояти Ўрта махсус, касб ҳунар таълими бошқармаси Касб-ҳунар коллежлари бўлими бош мутахассиси

Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида обрў ва нуфузи тобора ортиб бормоқда. Иқтисодий ва сиёсий алоқалар кенгаймоқда. Мана шундай паллада хорижий тилларга ҳам эътибор ошади. Чунки чет давлатлар билан алоқа қилишнинг муҳим риштаси бу тилдир. Шу сабабли ҳам боғча ва мактаб тарбияланувчиларига, айниқса, инглиз тилини чуқурроқ ўргатиш юзасидан республика Халқ таълими вазирлиги ва бошқа ташкилотлар томонидан ўқув семинарлар, конференция ва тадбирлар ўтказилмоқда. Инглиз тилини ўрганиш, аввало ўқувчига боғлиқ бўлса, иккинчи асоси эса, юксак педагогик технология ҳисобланади. Қарс икки қўлдан деганларидек, ушбу боғлиқлик инглиз тилини ўрганиш учун қўл келади. Яқинда ана шундай тадбирлардан навбатдагиси бўлиб ўтди. Чирчиқ шаҳрида ташкил

ТИЛ ЎРГАНИШ АСОСИ

этилган янги педагогик технология асосида «Инглиз тилини ўрганиш усуллари» мавзусидаги республика семинари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Тинчлик корпуси ҳамкорлигида ўтказилди. Икки кун давом этган семинарда Ўзбекистон Республикаси ХТВ УЎТББси бошлиғи Г. Алимова, АҚШнинг инглиз тилини ўргатиш эксперти Нэнси Ридер, «Тинчлик корпуси» волонтёри М. Бауден, республика Тиллар марказининг директори, тиллар бўйича профессор доктор Элен Франке ва бошқалар иштирок этишди. Бир қатор долзарб мавзудаги маърузалар тингланди. Айниқса, таъсис проектнинг раҳбари Томас Сваканинг «Ўқув жараёнини такомиллаштириш усуллари», Олмалиқ шаҳар 2-ўрта мактаб инглиз тили ўқитувчиси И. Ҳайдарованинг «Инглиз тилида ўқувчиларнинг эркин мулоқот қилишларига эришиш омиллари» мавзусидаги маърузалар таҳлилийлиги, янгиликка бойлиги билан кўпчиликка маъқул бўлди.

Х. АБДУРАҲМОНОВ

Jarayon

УНИВЕРСИТЕТ ИШ БОШЛАДИ

Миллий дастур ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун фақат таълим муассасаларига тегишли ҳужжат бўлиб қолмай, кенг жамоатчилик, кўп сонли ота-оналар ҳам бундан четда қолмаслиги керак.

Мактабимизда «Ислоҳотлар — ҳаракатда» номи билан чиройли стенд тайёрлаб, унда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»га оид муҳим маълумотлар янги ёзувимизда тайёрланди.

Ислоҳотларга доир иш қоғозлари, тадбир режалари солиб қўйилган махсус папка ҳамиша кўз ўнгимда — иш столимда туради. Демоқчиманки, мактабнинг бугунги фаолияти ва унинг самарадорлигини кўз ўнгимизда аниқ тасаввур қилмоқчи бўлсак, ана шу муҳим ҳужжатларни ҳаётга омилкорлик билан татбиқ қилмоғимиз лозим.

Халқ таълими тизимида туб ислоҳотлар жараёни кечаётган экан, бу ўзгаришларда фақат маорифчилар, педагогларгина иштирок этиб қолмасдан, балки кенг жамоатчилик, ота-оналар ҳам фаол қатнашишлари лозим. Шунинг учун ҳам жамоамиз билан маслаҳатлашиб, ота-оналар университетини ташкил этишга қарор қилдик. Унинг иш режаси мактаб педагогика кенгашида тасдиқланди ва фидойи, билимдон ўқитувчиларимиздан Абубакир Сутбоев, Қамар Жангатилеўовалар лектор қилиб белгиланди.

Университетда 2 та гуруҳ ташкил қилиниб, машғулотлар қисман сиёсий, қисман ҳаётий бўлди. Ўқитувчилар ҳам 24 соатлик дастур асосидаги университет машғулотларида қатнашмоқдалар. Уларга директорнинг маърифат ва маънавият ишлари бўйича ўринбосари Зебо Йўлдошева маърузалар ўқимоқда.

Шуни айтиш керакки, мактаб ота-оналар қўмитасининг раиси Жеткербой Суйегенов ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги амалий тадбирларга муносиб ҳисса қўшаяпти. Жумладан, яқинда мактабимизда унинг ташаббуси билан 1 ва 2-маҳалла қўмиталарининг раислари Дармон Носирбоев ва Йўлдош Собировлар билан учрашув ўтказилди. Унда, албатта, халқ таълими тизимини ислоҳ қилишга доир масалалар муҳокама этилди. Хуллас, ота-оналар, маҳалла бизга мададкор. Ҳамкорлик бор жойда эса ислоҳотлар ижроси пухта кечади.

Асадулла КАМОЛОВ,
Хўжайли туманидаги 56-ўрта мактаб директори

НАЗАРМАТ

БИЛИМКЕНТ

ХОРАЗМ-МАЪМУН АКАДЕМИЯСИГА

Шўр денгиздан нари заррин тахтин
тиклаган,
Ота юртим деган элнинг жондош қалбимиз,
Буюк ипак йўлларининг кашфи битилган,
Хитой билан Румни туташтирган мардимиз.
Кекса юртим, сенинг учун илҳомим жўшиб,
Таърифингга бошим эгиб биттум қасида,
Қўлга олсам Хоразмнинг хокин тиз чўкиб,
Ҳар зарраси бўлур менга билим аслида.
Тарих бўлган руҳлари бор қадим
ҳикматдан,
Варақларин очолмайин ўтган замонлар,
Улар элнинг чўнг онгида ёзиқ заҳматдан,
Алломалар даҳосидан қолган эҳсонлар.
Она элга ёдгор Аҳмад ал-Фарғонийдан,
Одамзотнинг нур йўлига чароғбон китоб,
Ипак йўли ўтган Элнинг кенг майдонидан,
Нидо келиб ёзиқларин эттай сарҳисоб.
Самарқанддай, Бухородай қадимий диёр,
Фарзандлари илм кўшкига эрурлар устун,
Хива, Урганч доноларин илми устувор,
Ал-Хоразмий жабри ёзиқ кенг дунё учун,
Ёдлагаймиз Замахшарий, ҳам шайх
Куброни,
Ватан учун, дунё учун бўлган фидони,
Замонларнинг нигоҳлари сақлар донони,
Ёвузларнинг тиғларидан бўлмас адойи.
Қадамлайди ёғдулари дунё кўркидан,
Асрларнинг қаъридан биз бормиз дегайлар,
Фан оламин мангу қудрат, азму, эркидан,
Янги қуёш пайдо бўлиб ярақ эттайлар.
«Байтул ҳикма» даҳоларин эҳсони сабоқ,
Унда дунё ҳикматлари сўнмас нигоҳи,
Меҳри дилнинг гавҳарларин варақлаган чоқ,
Башар мулкин ёриттуси мунаввар роҳи.
Аму каби мангу жўшқин Ватан ирфони,
Биз билгану ҳам билмаган донолари кўп,
Она элим бўлган талаш, жанглар майдони,
Тафаккурлар йўлин қумлар тўсган
бўлиб тўп...
Хоразмни дерлар қадим Ховари замин,
Шарқдан чиққан қуёш каби нурафшон
бўлган,
Илму ҳикмат бобида у кўрсаттан азмин,
Қад кўтарар унда энди академик фан.
Элга бугун пешвоз шамси анвар истиқбол,
Бир муаззам янги дунё эрур намоён,
Етаклайди мени буюк нурли истиқлол,
Ёзгим келур фахрим ила васфига достон.
Кўргум буюк Беруниийнинг даргоҳин унда.
Қучиб ўтар сочларини Аму эпкини,
Кўрар элин фан дунёсин мавжла тўлқинда,
Ёзиқларин варақлайди сабо елпини.
Ёғду рақсин елкалайди оқин йўлида,
Мангу ҳаёт масканига очган баҳрини,
Саксовуллар қовжираган ўнгу сўлида,
Ривож истаб титкилайди қумлар бағрини,
Кўпик сочиб, олға шошган нортуяларнинг,
Бордир ҳали очилмаган тепа, чоҳлари,
Аста кўпчиб, шивирлаган қумтепаларнинг.
Диёр меҳри оҳанграбо фарзанд дилида,
Ибн Сино борур дўсти Беруний томон,
Инсон умри, шифо йўли кезар илмида,
Бирлаштирган икки дўстни она ер, имон.
Тўрт фаслдан бино айлаб гулдаста йиллар,
Кўрар гиёҳ лабларида шифобахш учқун,
Сино пойин қучиб минг бир бахмал манзиллар,
Сен излаган дори бизда дер чаман гулгун.
Қўлга олур кўкатларни таъмли ва ҳар хил,
Қудратингдан бу неъмат дер холиқни ўйлаб,
Дори-дармон эрур элда унган ҳар ҳосил,
Ривож истар гулларини давога йўллаб,
Фасл боши ва охири унумли ҳар дам,
Бири униб, бири эса ҳосилин уяр,
Ҳар фаслнинг ўз гули бор, етилур кўркам,
Вақт ўтказса хазонрезга умри дуч келар.
Ҳар ҳосилнинг ўзига хос давоси бўлур,
Шарбатлари мавсум ўтиб айланар қоққа,
Ғунча униб вақти етса чиройга тўлур,
Етилганда бўлур таъми малҳам томоққа.
«Ас-Сайдана» «Шифо» билан қўл тутган азал,
Сино билан Беруниийдан шифобахш эҳсон,
Тиз чўкади бу китоблар олдида ажал,
Яратилган соғлом ҳаёт учун ҳар инсон.
Ўтмишини қомус айлаб унутмайди халқ,
Аждодларин руҳларини сақлар ўзида,
Бўронларни, довулларни маҳкам айлар ҳақ,
Кўрар гулшан йўлни илму ҳунар измида.

ИЖОД ГУЛШАНИ

Наманган вилоятининг гўзал Ғова оромгоҳида Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда «Маънавият ва шеърият» мавзуида Республика ижодкор ўқитувчилари VII анжумани бўлиб ўтди. Унда барча вилоятлардан 42 вакил иштирок этишиб, улардан 21 нафари Халқ таълими вазирлигининг «Ижодкор ўқитувчи» кўкрак нишонига тавсия этилди.

Анжуманда халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов, Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Сулаймонов, Наманган вилоят ХТБ бошлиғи Дилшода Дадажонова қатнашдилар.

Ижод байрами ҳақида кейинги сонимизда батафсил маълумот берамиз.

Мухбиримиз

ИМТИҲОН ҲАЯЖОНСИЗ БЎЛМАЙДИ

«Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида 1997-98 ўқув йилини якунлаш, битирувчи синфларда ўқувчилар билими ва кўникмаларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида»ги буйруққа кўра кундузги умумий таълим мактабларининг 4, 9, 11-синф ўқувчилари 12 майдан 22 майга қадар жисмоний тарбия фанидан имтиҳон топширадилар. Айни кунларда имтиҳон жараёни илм масканларида ғоят қизғин ва ҳаяжонларга бой ҳолда ўтаётир.

— Ўғил-қизларимиз имтиҳонларга пухта тайёргарлик кўриб келишган, — деди Сирғали туманидаги 237-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Нигмат Абдурасулов. — Чунки улар бу фанни жуда севишади.

Дарҳақиқат, имтиҳон куни ушбу илм маскани 4-«А» синф ўқувчилари 1000 метрга югуриш, турникка тортиниш, доирачага қонток ташлаш, арқондан сакраш каби машқларни бажаришиб, оғзаки саволларга жавоб қайтардилар. Қисқаси, имтиҳон жараёни ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлди.

А. МУХТОРОВ

Суратда: Имтиҳон ҳайъати аъзолари — Мухлиса Ҳошимжонова, мактаб илмий бўлим мудири Гулчеҳра Абдусатторова ва илм маскани шифокори Шаҳноза Насриддиновалар 4-«А» синф ўқувчиси Зиёда Абдуллаевани синовдан ўтказишяпти.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган сурат

СПОРТ МАКТАБЛАРИ БИРИНЧИЛИГИ

СПОРТ АКРОБАТИКАСИ

Андижон шаҳрида уч кун давом этган спорт акробатикаси мусобақаларида Наманган, Андижон, Фарғона, Тошкент, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги болалар-ўсмирлар спорт мактаблари ўсмирлар ва қизлар командалари акробатик сакраш, жуфтлик машқ, аралаш жуфтлик машқ, гуруҳли машқлар бўйича ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Қизлар ўртасида жуфтлик машқ бажаришда пойтахтимиздаги республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаби вакиллари Малика Йўлдошева ҳамда Наргиза Қодирова энг юқори натижага эришишди. Усмирлар ўртасида эса Фарғона шаҳридаги 1-БЎСМ талабалари Шуҳрат Холматов ва Олтин Мамадалиев чемпион бўлишди. Аралаш жуфтлик машқларда Андижондаги ихтисослашган олимпия резервлари болалар-ўсмирлар мактаби спортчилари Анастасия Ли ҳамда Дилшод Мамадалиевлар ғолиб бўлишди.

Гуруҳли машқларни бажаришда қизлар ўртасида пойтахт олий спорт маҳорати мактаби, ўсмирлар ўртасида эса, Тошкентдаги 10-ИБЎОРМ вакилларри ҳурмат шоҳсупасининг тепасидан жой олишди.

Умумкоманда ҳисобига кўра, Тошкент шаҳридаги 10-ИБЎОРМ энг кўп очко (600, 834) тўплаб учрашув ғолиби бўлди. Фарғона вилоятининг Қува шаҳридаги 1-БЎСМ иккинчи, Андижон шаҳридаги ИБЎОРМ талабалари учинчи ўринни эгаллашди.

БОКС

Ангрен шаҳридаги бокс саройида беш кун давом этган мусобақаларда республиканинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан келган 200 га яқин спортчилар 15 хил вазн тоифасида ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Дастлабки кундан бошлаб ғалаба иштиёқида кураш олиб борган 30 нафар боксчи 10 май куни финал мусобақасида рингга чиқди.

Кескин ва муросасиз ўтган «жанг»ларда вазн тоифаларига кўра, навоийлик И. Сероглазов, сирдарёлик Ш. Абдураҳмонов, самарқандлик Д. Узоқов, Ж. Орифбоев, фарғоналик Д. Авакумов, И. Ортиқов, Тошкент вилоятидан А. Опаев, Р. Реимов, Ж. Тилегенов, жиззахлик Б. Ашуров, Б. Юсупов, Б. Азимов, хоразмлик Ж. Алланазаров, тошкентлик Б. Исматов, М. Турсунов мусобақа чемпионлари бўлишди.

Команда ҳисобида Тошкент шаҳри вакиллари биринчи ўринни эгаллашди. Пойтахт вилояти ва самарқандлик спортчилар иккинчи-учинчи ўринларни эгаллашди.

Ғ. МАННОПОВ

Xullas...

АСУАНДА 43 ДАРАЖА

Апрель ойида москваликлар қор устига қорнинг гувоҳи бўлишди. Мисрда эса иссиқ ҳаво кузатилди. Бу ерда ҳарорат нормадагидан 12-13 даража юқори, Каир шаҳрида эса 40 даражагача кўтарилди. Асуан деган жойда эса хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бу ойда атроф лов-лов ёнарди. Баҳор ойида нақ саратон кунларидаги каби 43 даража жазирама иссиқ аҳолини ҳайратда қолдирди.

Айтишларича, бундай юқори ҳарорат 30 йил мобайнида қайд этилмаганди. Мутахассислар иссиқ ҳаво оқими Аравия ва Судандан келган дейишмоқда. Кишилар бу ҳавога кўниколмай, на кўчага чиқишади, на уйда ўтира олишади. Ҳаттоки кўчаларда машиналар кам. Савдо шохобчаларида мева ва сабзавотларнинг нархлари кескин пасайиши асуанликларга кутилмаган янгиликдир!

ҚАЛТИС ҲАЗИЛ ОҚИБАТИ

Катта ёшдаги «бола» — Жанубий Урал университетининг биринчи курс талабаси шунчаки ҳазил қилмоқчи эди. У ўзининг бу ҳаракати ёмон оқибат келтиришини туш кўрибдими?

Кунларнинг бирида безори талаба маърузага атайлаб кирмади. Шайтон йўлдан оздирса ёмон-да. Талаба хиёл очиқ турган аудитория эшигидан хитой петрадасини (ичига порох тўлдирилган портловчи қадимги снаряд) секингина улоқтирди. Шу лаҳзанинг ўзида аудитория қуюқ тутун ичида қолди. Фожиа билан тугаса майли эди-я... Осколка парчаси талаба қизлардан бирининг кўзини устки пардасини тешиб ўтди. Кўриш қобилияти бирдан сустлашган қиз додлаб юборди...Бемаза ҳазил деб шуни айтадилар. Шўрлик қиз энди нима қиларкан?

ana shunaqa gaplar

ОДДИЙ МУАЛЛИМ

Камтаргина бу сўзни М. Акбарова билан илк бор суҳбатлашган ҳар бир киши таъкидлаши мумкин. У киши ҳақиқатан ҳам оддий муаллима. Оддий, аммо шарафли касб эгаси. Илк бор иш фаолиятини 1966 йил 203-мактабда котибаликдан бошлаган опа 32 йилдан бери муаллимлик юкини кўтариб келаяпти. У кишининг таржимаи ҳолига назар ташласангиз, талай босқичларни босиб ўтган. 1948 йилда Тошкент вилоятида оддий деҳқон оиласида туғилган. 1955 йили Гоголь номидаги 53-мактабда 8-синфни, 38-мактабда эса 10-синфни тамомлаган. 1967 йили Низомий номидаги муаллимлар тайёрлаш олийгоҳида сиртдан тил ва адабиёт фанидан сабоқ олган. 1969 йилдан шу фан бўйича ёшларга таълим бера бошлаган. 1973 йили олийгоҳни тамомлайди. Ҳозирда беш фарзанднинг онаси. Севган юмуши фарзандлар тарбияси. Хўш, опанинг узоқ йиллик меҳнат фаолияти беиз қолдими? Йўқ, албатта. Чунки у кишининг меҳнат йўлини юзлаб шогирдлари номлари, Халқ таълими вазирлиги томонидан берилган фахрий ёрлиқлар, 1998 йил берилган Халқ таълими аълочиси нишони безаб турибди.

— Болаларни жуда севаман. Уларсиз ҳаётимни тасаввур қилолмайман. Шу сабабли ҳам дарс пайтида бўлсин, бўш вақтда бўлсин, улар билан бирга бўлсам, — дейди опа биз билан суҳбатда.

Ж. ИСКАНДАРОВ

Yashil chiroq

«ЗИЁ» КОМАНДАСИ ҒОЛИБ ЧИҚДИ

Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани халқ таълими бўлимига қарашли қўшимча техник таълим мажмуасида «Яшил чироқ — 98» туман якуний босқич мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Акмал Икромов туманининг қатор илғор мактаблари командалари ўзаро беллашдилар. Ғоятда қизғин ва самарали ўтган беллашувда ўқувчилар ўзларининг йўл ҳаракати қоидаларини қанчалик билишларини яна бир карра намоён қилдилар.

Ушбу беллашув жараёнини А. Икромов тумани қўшимча техник таълим мажмуаси ҳамда республика «Яшил чироқ» телевизион танлови ҳайъати аъзолари — Р. Ибрагимов, Ф. Содиқов, С. Мирсодиқов, Б. Зиёвиддинов, Р. Юнусметовлар баҳолаб боришди.

Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, 1-ўрин 132 балл билан А. Икромов тумани 177-мактабнинг «Зиё» командасига насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса 251-мактаб «Яшил чироқ» ҳамда 123-мактабнинг «Лочин» командалари эгаллашди. Шундай қилиб, А. Икромов туманининг «Зиё» командаси бу йил ўтказиладиган Тошкент шаҳар туманларараро «Яшил чироқ» мусобақасида иштирок этадиган бўлди.

Мусобақанинг тантанали қисмида туман давлат автомобиль назорати бошқармаси томонидан ҳомий сифатида ғолиб командаларга қимматбаҳо ва рағбатлантирувчи совғалар тақдим этилди. Бу совғаларни ДАНБ номидан милиция майори Баҳодир Зиёвуддинов топширди. Шунингдек, А. Икромов тумани халқ таълими бўлими ҳам ғолибларни эсдалик совғалари билан мукофотлашди. Совғаларни ҳайъат раиси Р. Иброҳимов топширди.

Абдуҳамид МУХТОРОВ

Xotira

ДАФТАРИНГНИНГ АЙТГАНЛАРИ

... Сен тириксан! Эшитяпсанми, тириксан... Нега жавоб бермаяпсан? Ахир ана турибсан-ку, олисларга термулиб... Эшитаяпсанми? Ана укпар булутлар қаътидан шеър тераяпсан... Ана бошингни эгиб, дунёдан терс ўгирилиб олдинг. Кунглингга сиғмади дунё. Сен...сен яна қоғозга арз қилаяпсан...

Муроджон! Қулимда бир даста шеърларинг!.. Улар менга тинмай сен ҳақингда айтиб беришаяпти. Мен ҳар куни уваланиб кетган дафтарингни варақлаб сени уқийман.

Муроджон! Сен дунёга келганингда ота-онанг ўглимиз бахтли бўлсин, муродига етсин дея Муроджон деб ием қўйишган эди. Ҳайҳот, сенга тириклар макони атиги 16 йилгина мезбонлик қилди.

Муроджон! Сен ёш бўлсанг-да катталардек гаплашар эдинг. Тинимсиз китоб мутолаа қилардинг. Шунинг учун бўлса керак, ўқитувчимизнинг сенга тегишли саволи жавобсиз қолмасди. Айниқса, сенинг шеърларинг...

Муроджон! Олти йилдирки менинг кунглимда битта «дод» яшайди. Олти йилдирки менинг дилим «афсус»лар бекатига айланган. Сен, ўша куни нега велосипед ҳайдадинг! Қаршингда гизиллаб келаётган ажал «оти»ни нега кўрмадинг?!

Муроджон! Қулимда дафтаринг! Бармоқларим қуйиб кетаяпти. Ишонаяпсанми? Қара, шеърларинг... шеърларинг нима деб пичирлаяпти...

Дилшода УСМОНОВА,
Фарғона вилояти,
Ўзбекистон туманидаги
Катта Тагоб қишлоғи

СИНФДОШ

Энди... энди алвидоми синфдош?
Учрашишга жон фидоми синфдош?
Аҳёрларнинг сўзин тинглаб йиғлабсан,
Висол энди, оҳ, рўёми синфдош?

Дугонангнинг тергашлари аччиқ-аччиқ,
Ҳар сўзига юрагимда турар санчиқ.
Сени эслаб кўзларимда қалқийди ёш,
Висол энди, оҳ, рўёми синфдош!

Дод солиб... дод солиб қолганда онам,
Чидаб турармисан, эй, озод кўнглим!

Ўшанда севганим «севмайман» деса,
Руҳим бошқасига «кўнмайман» деса,
Ёрнинг... ёрнинг кўзларида бегона бўса...
Сабр этармисан, эй, сўник жисмим!

АЗОБ

Бир куни... бир куни паймонам тўлиб,
Мангуга... мангуга юмилса кўзим.

Ажал остонадан пойлаб турсаю
Тилдан кўчаётса энг сўнгги оят.
Севгимиз гумонларга таслим бўлганда,
Сен қандай чидайсан юрагим, айт, айт!

ЭЪЛОН

Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» лицей-интернати томонидан 1997 йилда Бобир Нодиров номига берилган ORA №000438 рақамли тўлиқсиз урта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси вазирликнинг маъсул ходими Ф. Носировага волидаи муҳтарамаси

Рауза ШАРАФУТДИНОВА

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

«Маърифат» газетаси таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Абдураҳмон Жураевга онаси

Собирахон ИСРОИЛ қизи

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бўш бошқармаси, Сирғали туман халқ таълими бўлими, 32-ўрта мактаб жамоаси республикада хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Жура АЗИМОВ

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 243-мактаб жамоаси мактабнинг химия фани ўқитувчиси, республика халқ ўқитувчиси, олий тоифали методист ўқитувчи Юсуфжон Неъматовга онаси

Қумри ҒОЗИЕВА

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Sport maydonchasi

«ПАХТАКОР» ОЛДИНГА ЎТДИ

Душанба куни мамлакатимиз футбол жамоалари ўртасида ўнинчи тур ўйинлари бўлиб ўтди. Пойтахтимиздаги марказий «Пахтакор» стадионида «пахтакор»чилар Тошкент вилоятининг «Дўстлик» жамоаси устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, турнир пешқадами бўлишди.

ЁШ КУРАШЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Қаршиқурилиш» ҳиссадорлик жамияти спорт залида кураш бўйича республика биринчилиги бўлиб ўтди. Ушбу мусобақаларда республикамизнинг саккиз вилояти ҳамда пойтахтдан 120 га яқин 1982-83 йилларда туғилган ёш спортчилар иштирок этди. Тошкентлик З. Абдуллаев ва А. Воҳидовлар ўз вазн тоифалари бўйича ғолиб бўлишди.

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Бельгиянинг Хозевинкель шаҳрида 18-интернационал регата мусобақалари якунланди. Жаҳоннинг 27 та командаси қатнашган ушбу беллашувда Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари 5 та олтин, 10 тадан кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлишди. Жумладан, регата дастури бўйича 500 метр масофадаги байдарка, 500 ва 1000 метр масофадаги каноэ баҳсларида ҳамюртларимизга тенг келадиганлар бўлмади.

ШВЕДЛАР — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ўтган дунё биринчилиги мусобақаларида швед хоккейчилари дастлаб Канада, сўнг Чехия терма жамоалари билан беллашувда ғалабага эришиб, финал босқичига кўтарилганди. Ўтган якшанбада шведлар Финляндия терма жамоасини икки кун шиддатли давом этган ўйинда 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, жаҳон биринчилигини қўлга киритишди.

ҲАЛҚАРО ЎСПИРИНЛАР СПОРТИ ТАРАҚҚИЁТИ

Шу йил ёзда Москвада ўтадиган 1-Халқаро ўспиринлар ўйинларида 128 та давлатнинг спортчилари қатнашиши кўзланмоқда. Эътиборлиси, мазкур ўйинлар халқаро олимпия ҳаракати тарихида илк бор ўтказилаётганлигида, деб ёзади ушбу мусобақаларнинг матбуот бўйича ҳомийси «Труд» газетаси.

Ma'rifat
ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Руйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар:
Дилбар ХУЖАЕВА,
Алишер НАЗАРОВ

ИНДЕКС: 149, 150. Г-021. Тиражи 44.082. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 21.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6